

Изланиш, баҳс,
мунозара бор жойда
ҳақиқат юзага
чиқади, тараққиёт
бўлади.

Ислом КАРИМОВ



Qaror va ijro

ТИЛ БИЛГАНГА НИМА ЕТСИН

Мамлакатимизда таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим омили бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатда чет тилларни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация

технологияларидан фойдаланган ҳолда илғор услубларни жорий этиш, чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш билан боғлиқ кенг қўламли вазибалар белгиланган.

(Давоми 3-бетда.)

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАДИМИЙ БАЙРАМИ

Асрлар давомида халқимиз кир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайлоҳларга чиқиб, Наврўзни байрам қилган. Бундай шодиёналарда бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, кўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Улок-кўпқари, пойга, кураш, мерганлик каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, кўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этган.

Наврўз билан боғлиқ бундай миллий урф-одатларимизнинг бугунги кунда қайта тиклангани, ушбу бетакрор байрамнинг одам-

“Navroʻz – 2013”

лар ҳаётида тутган ўрни ҳақида фольклоршунос олим, филология фанлари доктори Жаббор ЭШОНҚУЛОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА

мухбирига кўйидагиларни гапириб берди:

— Мустақиллик йилларида кўнра тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва аъёнларимиз қайта тикланди. Бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий кадрларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажигига дахлдорлик туйғуси юракларимизнинг туб-тубидан ўрин олди.

(Давоми 2-бетда.)



соврини боши узра баланд кўтариб, ўзбек футболи тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Бугун ўсмирларимиз томонидан қўлга киритилган мазкур галабанинг кадрини нечоғлиқ баланд эканини ҳар бир юртдошимиз яхши ҳис этади.

кенг қамровли ишларнинг самараси беқиёс. Техронда она Ватанимиз байроғини баланд тутиб, диёримизга олтин медал билан қайтган болалар ҳам айнан мустақиллик инъом этган улкан имкониятлардан унутили фойдаланишмоқда.

(Давоми 15-бетда.)

Bolalar sporti

ҲАЛОЛЛИККА ЁШЛИҚДАН ЎРГАТИЛАДИ

Ҳеч бир нарса мамлакатни спортчилик тез дунёга танита олмайди. 2012 йил якунларига кўра, 209та давлат футбол уюшмаларини бирлаштирган Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан Ўзбекистонга «Fair Play» (Ҳалол ўйин) совринининг топширилиши ушбу фикрнинг яна бир бор тасдиғини намён этиб турибди.

Юртбошимиз мамлакатимизда спортни омаллаштириш бўйича ўз самарасини бераётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистонга ФИФА совринининг берилиши бу борадаги ишларимизни дунё тан олаётгани, саъй-ҳаракатларимиз ўз ҳосилини бераётганининг яққол ифодаси эканини таъкидлаб, халқаро мукофот билан барчани самимий табриқлади ва у бутун халқимизга буюрсин, ҲАЛОЛЛИКНИ БОШҚАЛАР ЎЗБЕКЛАРДАН ЎРГАНСИН, дея эзгу тилак билдирди.

Ҳалоллик халқимизга хос азалий фазилат. Бу фазилатни спортчиларимиз, футболчиларимиз, терма жамоаларимиз бугун дунёга намён этмоқда. Ушбу совринининг қўлга киритилишида Осиё чемпионатида бош

Бунда, аввало, юртимизда болалар спортини ривожлантириш, жойларда спорт иншоотлари барпо этилиб ёшларнинг шугулланиши учун барча шароитларни яратиб бериш борасида амалга оширилган

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

ИНТЕРНЕТДАН КИМ ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНМОҚДА

«Интернет — бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори, деб тушуниш керак».

КУЧ – БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

2012/2013 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови Ғолиблари билан танишинг.

ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ ВА БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТ ИМТИҲОНЛАРИ

уларда ўқувчиларнинг эгаллаган bilimлари юзага чиқади

Ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар ёки синфларда ҳадавалнинг 2-бандида кўрсатилмаган фан чуқурлаштириб ўтилаётган бўлса, ушбу фандан муассаса педагогик кенгашининг қарори асосида кўшимча имтиҳон киритилиши мумкин.

ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР САМАРАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Илгор педагогик технологияларни амалиётда қўллаш бўйича тажриба-тадқиқот майдонларидан бири саналган Учтепа туманидаги 116-мактабда бошлангич синфларда инновацион технологияларни дарс жараёнига татбиқ этиш бўйича илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Барча туманлардан келган бошлангич таълим методистлари ва ўқитувчилари еттига намунавий очик дарс таҳлилида иштирок этишди.



Она тилидан 2-синфлар билан «симпозиум» интерфаол методидан фойдаланиб дарс ўтган 116-мактаб ўқитувчиси Нилуфар Усмонова ўқувчиларининг мавзу бўйича ўзлаштириши текширилганда, 92 фоиз наижани кўрсатди. Дарс сўнггида мутахассисларнинг фикрлари жамланиб ушбу педагогнинг иш тажрибаси оммалаштиришга тавсия этилди.

Шунингдек, чет тилларини бошлангич синфлардан ўқувчиларга ўргатиш юзасидан тажрибалари билан ўртоқлашган ўқитувчилар содда ва осон, дидактик ўйин усулида ўқувчиларга маълумот бериш бўйича фикрлашдилар. 81-мактаб ўқитувчиси Му-

ҳайё Агзамованинг математика дарси ҳам интеграциялашган тарзда ўтказилдики, унда ўқувчилар кунуноқ сонларнинг инглиз тилида айтилишини билиб олишди.

— Бугунги анжуманда ўзлаштирилиши мураккаб мавзулар доирасида ҳам янги ва самарали усулларнинг амалиётда қўлланилиши бўйича баҳс олиб борилди. Намунавий очик дарсларда педагогларнинг назарий тушунчалари амалий тарзда мустахкамланди, — дейди ТШХТББ бошлангич таълим методисти Дилфуза Тошмухаммедова.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири
В.ГРАНКИН олган сурат.

СОҒ ТАНДА – СОҒЛОМ АҚЛ

Бухоро вилояти енгил саноат ва педагогика коллежида «Соғлом турмуш тарзи ва унинг аҳамияти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Бухоро давлат университети билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда ҳар бир шахснинг кундалик ҳаётда шахсий гигиенага амал қилиши, турли юқумли касалликлардан сақланишда тозалик ва покизаликка эътибор қаратиши ҳамда турли овқатланиш қоидаларига риоя этиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгаги яна бир бор таъкидланди.

Тадбирга таъриф этилган мутахассислар томонидан қилинган маърузаларда ҳам ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан бақувват ёшларни вояга етказиш, уларнинг саломатлигини мустахкамлаш, шунингдек, талабалар турар жойларида яратилган шарт-шароитлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш масалалари атрофлича таҳлил қилинди.

Наргиза САЙФУЛЛАЕВА,
коллекж ўқитувчиси

ONLINE МУЛОҚОТ

Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али иштирокида навбатдаги online мулоқот бўлиб ўтди.

Бир соатлик online мулоқотни «Kitob.uz» сайти орқали 482 нафар ўқувчи-ёшлар, педагог ва АРМ ходимлари кузатиб бориб, 500 дан ортиқ савол билан мурожаат этишди.

— Ҳар ойда ўтказилаётган бундай мулоқотларнинг ташкил этилиши кўпчилик ёшларга, хусусан, чек-

ка қишлоқ аҳолисига катта қулайлик туғдирмоқда. Улар таниқли шоири ёзувчилар, санъаткорлар ҳаёти ва ижодига жуда қизиқишади. Муҳаммад Алининг «Абадий соғинчлар» роман-хроникасига оид саволлар кўпроқ бўлди, — дейди кутубхона директори Дониёр Уролов. — Online мулоқот иштирокчиларига, ижодкорлар дастхати туширилган китоблар бўлимининг ташкил этилиши маъқул келди.

Моҳичехра ЛАТИПОВА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юртбошимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ҳали шўро салтанати ҳукмрон бўлиб турган пайтда Наврўз байрами тикланди. 1990 йил 3 май куни Президентимизнинг тарихий фармони эълон қилинди. Бу фармонга биноан 21 март – Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Уша давр учун бу катта жасорат эди.

Истиклол туфайли Наврўз мамлакатимизда нафақат қайта тикланди, балки изчил ривожланди, мазмунан бойиди ва бу байрамнинг эзгулик билан йўғрилган янги-янги кирралари очилди. Бугунги кунда

тарзда ўтказиб келинган гул сайларининг энг қадимийси ва кенг тарқалгани «Бойчечак сайли» ёки «Бойчечак хабари» маросимидир.

«Бойчечак сайли» ёки «Бойчечак хабари» маросими қадимдан Наврўзолди шодийнаси сифатида нишонлаб келинган. Болалар бир даста бойчечакни узун таёқнинг учига боғлаб олганлар ва уни кўтариб қишлоқ айланганлар. Бойчечак чиққанлиги қиш-қировли кунлар ортда қолиб, кўклам яқинлашганини аниқлашган. Шунинг учун кекса ва касал одамлар болалар олиб келган бойчечакни юз-кўзларига суртиб, ундан яқинлашаётган баҳор ҳидини туйганлар. Наврўзга етиб келганликларига шукрона ай-

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАДИМИЙ БАЙРАМИ

Наврўзни халқимиз азиз айём сифатида тамомила янги руҳ, ўзгача тароват билан кенг нишонламоқда.

Наврўз билан боғлиқ тушунча ва тасаввурлар, қарашлар, биринчи навбатда, халқ оғзаки ижодида акс этган. Халқимиз донишмандлигининг юксак намунаси бўлган мақола маталардан тортиб, кўплаб афсона, қўшиқ, эртақ ва дostonларимизда табиатнинг янгилиниши билан боғлиқ қадим тасаввурлар мужассам. Масалан, «Оқ теракми, кўк терак?» ўйинини олиб кўрайлик. Фольклоршунос олимлар бу ўйиннинг илдизи жуда чуқур эканини эътироф этишади. Бу ўйинни Маҳмуд Қошғарийнинг асарлари, биздаги кўпқари, кураш мусобақалари, кўчқор, хўроз уриштириш каби удумларга қиёслаган ҳолда ўрганадиган бўлсак, у жуда қадим замонларга бориб тақалишига ишонч ҳосил қиламиз.

«Оқ теракми, кўк терак?» ўйини мавсумий маросимларга мансуб бўлиб, дастлаб фақат кўклам – баҳор фаслида ўйналган. Кейинчалик у доим ўйналадиган болалар ўйинига айланган.

Бизнингча, бу ўйин кун-тун, қиш ва баҳор тўқнашуви ҳақидаги қадим тасаввурларни ҳам ўзида мужассам этади. Қиш енгилса, баҳор голиб келади, тун кечинса, кун узади. Зеро, ўйинда асосий ургу ушбу тасаввурларга қаратилган.

Бу ўйиннинг «Оқ теракми, кўк терак?» деб аталишига сабаб, аввало, терак баргининг бир томони оқ, бир томони кўк бўлади, қолаверса, у кун ва тун ҳақидаги тушунчаларни ҳам ифодалайди.

Маълумки, табиатни жонли тарзда тасаввур қилиш, хусусан, қиш ва ёзнинг кураши барча халқлар оғзаки ижодида учрайди. Шунинг асосида қиш ва кўклам курашига бағишланган маросимлар уюштирилган. Бу курашда кўкламнинг қишни енгилшига одамлар қатъий ишонган. Халқимизнинг ана шундай удумларидан бири «Бойчечак» маросимидир.

Эрта кўкламда адирларда, тоғ ва далаларда қор эриши билан бойчечак униб чиққанда, болалар ана шу гулларни териб олиб, уйма-уйи қўшиқ айтиб юришади. Бинобарин, мамлакатимизда анъанавий

тиб, «Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик! Оғирлик ерга, енгиллигим ўзимга», деб яхши ният қилганлар.

Наврўз билан боғлиқ қадимий удумлардан яна бири «Бешқарсақ» қўшиғи ва ўйинидир. Унда қарсақ ва қўшиқ қайтариқлари алоҳида аҳамиятга эга. Рақослар доира ясаб, қарсақ оҳангига мос ҳаракатлар қилишади. Чолғу асбоби ва-зифасини қарсақлар бажаради. Қарсақ ўйинларида нақоратлар муҳим аҳамиятга эга. Бу рақсда «Омонёр», «Гулбоғ», «Диғажон», «Ҳой бола-бола, ёр-ёр» каби халқ қўшиқлари куйлаб келинади.

Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларида ҳам Наврўз талқинига бағишланган кўплаб гўзал мисраларни учратамиз. Наврўзи олам ҳақидаги ўйинлар, томошалар, маросим қўшиқлари халқимизнинг қадим тарихи ва руҳияти билан чамбарчас боғлиқлигини, уларда табиатдаги ўзгаришлар, фасллар алмашинуви билан боғлиқ қарашлар ўз баъдий ифодасини тогганини кўраемиз.

Ҳар қандай мерос асл қадр-қимматини тогганда, боқий қадриятга айланади. Миллий қадриятларимизни, маданий-маърифий меросимизни авайлаб-асраш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда номоддий меросга муносабат тубдан ўзгарган.

«Алпомиш» достони, қадимий шаҳарларимиз юбилейларининг халқаро миқёсда нишонланиши, Наврўз, катта ашула, аския каби қадриятларимизнинг ЮНЕСКО томонидан номоддий мерос дурдоналари сифатида рўйхатга олинishi бу юртимизда маданий соҳага бўлган эътиборнинг юксак даражада эканидан далолатдир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, шарқона янги йил рамзи бўлмиш Наврўз одамлар қалбида эзгу туйғулар уйғотиб, уларга умид ва ишонч, шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эргага аёл, ёшу қари – барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган сеvimли байрамидир.

Ўза мухбири
Абу Бақир ҲУЗОВ ёзиб олди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни тобора мустақамлашиб бормоқда. Буни барча соҳалар бўйича кенг миқёсда халқаро алоқалар ривожидида кўриш мумкин. Ана шундай бир пайтда юрт келажакнинг эгаси бўлган ёшларга хорижий тилларни пухта ўргатиш муҳим вазифадир. Қолаверса, бугунги глобаллашув шароитида хорижий тилларни билиш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий ва маданий тараққиёти учун ҳам аҳамиятли. Ёшларнинг хорижий тилларни мукамал ўзлаштириши эса бевосита чет тили ўқитувчиларнинг билиму маҳорати, дарсларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллай олиши билан боғлиқ. Шу мақсадда, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида чет тили ўқитувчиларининг маҳоратини ошириш, дарсларга илгор-педагогик технологияларни жорий этиш орқали таълим самардорлигига эришиш мақсадида махсус курслар ташкил этилмоқда.

— Президентимизнинг 2012 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида институтда бир қатор чора-тадбирлар белгиланган, — деди институтнинг ўқув ва методик ишлар бўйича проректори Наргиза Раҳмонқуллова. — Маълум бўлишича, халқ таълими тизимига қарашли 9763та умумтаълим мактабидан 6793тадада инглиз тили, бошқаларида француз, немис каби бошқа хорижий тиллар ўқитилади. Айти пайтда инглиз тили ўқитиладиган ҳар бир умумтаълим мактабидан бир нафардан тажрибали инглиз тили ўқитувчисининг малакасини ошириш режалаштирилган. Улар ўз навбатида курс давомида эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўзи фаолият олиб бораётган таълим муассасасидаги ҳамкасбларига ўргатиши назарда тутилган.

Муҳим янгиликлардан яна бири "Инглиз тили ўқитувчиси" мутахассислиги бўйича педагогик олий маълумотли мутахассисларни касбий ҳамда нопедагогик олий маълумотли мутахассисларни педагогик қайта тайёрлаш курсларининг ташкил этилаётганидир. Мазкур курсда янги ўқув йилгача 1000 нафардан ошиқ ўқитувчилар қайта тайёрловдан ўтади. Бу борада ҳам ишлар бошлаб юборилган бўлиб, биринчи тингловчиларнинг апрель ойида ўқишни бошлаши кутилмоқда.

Чет тилини ўргатишнинг зулуксиз ва узвий олиб борилиши дарс соатлари ошиши баробарида малакали педагогларга бўлган эҳтиёжнинг ҳам орттиради. Қайта тайёрлаш курсининг ташкил эти-

касбий қайта тайёрлаш курси ўқув-мавзу режаси ва дастури ишлаб чиқилди, — дейди дастур муаллифларидан бири, инглиз тили мутахассиси Махфират Абдуллаева. — Маълумки, қайта тайёрлаш икки турда — педагогик ва касбий қайта тайёрлаш шаклида амалга оширилади. Педагогик қайта тайёрлаш — давлат таълим стандарти билан белгиланадиган ўқув-тарбия жараёнининг сифатини таъминлайдиган даражада педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли бўлган педагогик тайёрларлик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида мутахассисларни қайта тайёрлаш шакли. Айтилик, бунда филолог ёки таржимон мутахас-

фикрини давом эттиради Махфират Абдуллаева. — Маълумот сифатида келтирадиган бўлсақ, қабул саралаш асосида амалга оширилади. Ўқув курслари сўнггида ҳам педагоглар билим ва малакасини синовдан ўтказилади. Хорижий тилларни ўрганиш бўйича халқаро стандартларда 4 кўникмага — ўқувчининг хорижий тилда ўқиш, ёзиш, эшитиш ва сўзлашув даражасига эътибор берилган. Шу босқич қайта тайёрлаш курси дастурининг грамматик мазмунини ўқув мақсадида боғлиқ бўлганлиги туфайли ҳам унда назарий эмас, амалий сабоқларга кўпроқ ургу берилган.

Айти кунда кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлаётган қайта тайёрлаш курси — мах-

Dolzarb mavzu

бўлим якунида ўтказилади. Кўриниб турганидек, "Инглиз тили ўқитувчиси" мутахассислигини эгаллаш учун бир неча довлонлардан ошиш, белгиланган талабларга жавоб бериш керак.

Ҳозир жойларда малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича ҳам ишлар жадал кетмоқда. Айти пайтда тажрибали, малакали педагог ва мутахассислардан иборат ўқитувчи-тренерлар гуруҳи шакллантирилди. 160 нафар мутахассисдан иборат бу гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтларида курсларни ташкил этиш бўйича фаолият олиб боради. Жараёнда инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини оширишда илгор педагогик технологияларнинг ўзлаштиришига катта эътибор қаратилади. Боиси, бошланғич таълимда, бошқа таълим турларидан фарқли равишда дарсларни суратли, образли, ўйин шаклида ўтиш жуда муҳим. Малака ошириш курсларида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади ва педагогларга зарур методик ёрдам берилади.

— Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида таҳсил олганман, — дейди Шаҳноза Норбоева. — Инглиз тилини мукамал ўзлаштирилман. Аммо мутахассислигим бўйича педагог бўлганим сабабли таълим муассасаларида хорижий тил бўйича дарс бера олмас эдим. Янги ташкил этилаётган курс менга мана шу имкониятни бериши билан қизиқтириб қўйди. Сўзсиз, ўқитувчилик — шарафли касб. Биргина чет тилини билишим билан устозлик макомига эриша олмасдим, албатта. Ўқитувчи бўлиш учун ўқитиш усулларини, ахборот технологияларини дарсларда қандай қўллашни, ўқувчиларда фанга қизиқиш уйғотишни билишим керак. Ўйланманки, қайта тайёрлаш курсида педагогикнинг яна кўплаб сир-асрорларини ўрганаман.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, халқимизнинг турмаъно нақлаарида ҳам тил билишининг афзалликлари баён этилган. Чиндан-да, "Тил билган — эл билади", "Тил билган йўлда қолмас". Реал талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб ташкил этилаётган қайта тайёрлаш курси кўплаб мутахассисларнинг хоҳишу истакларига ҳам мос бўлди. Асосий эса эзу мақсадлар ўғил-қизларнинг нури истиқболига йўлдош бўлади.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСИ

чет тилларини ўқитишни такомиллаштиришга ҳисса қўшади

лаётгани мана шу талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқмоқда. Инглиз тили глобаллашув асрида асосий мулоқот воситаси вазифасини ўтаётгани ҳеч кимга сир эмас. Чет тилларни билиш нафақат мулоқот воситаси сифатидаги ўрни, балки фан ва техникани ривожлантиришни таъминлашдаги ҳиссаси билан ҳам аҳамиятлидир. Бутун дунёда чет тилларни ўрганишда ягона стандартга ўтиш кенг тарғиб қилинмоқда ва у амалиётда қўлланилмоқда. Қарорда ҳар бир таълим босқичида чет тилларини билиш даражасининг аниқ мезонларини белгилаб берувчи янги таълим стандартларининг ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этилиши вазифа сифатида қўйилган. Бу янгиликлар ўқитувчиларнинг ўз фанига доир замонавий билимларни, касбий маҳорат ҳамда кўникмаларини мунтазам бойитиб боришини тақозо этади. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур бўлади.

— Халқ таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагогик олий маълумотли ўқитувчиларни инглиз тили ўқитувчиси мутахассислигига

сислигига эга бўлган, яъни чет тилини билган мутахассис педагог сифатида фаолият олиб бориши учун ўқитилади. Ўқув режаси бўйича педагогик сабоқларга кўпроқ соат ажратилади. Касбий қайта тайёрлаш эса ўқитишнинг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада ўқув фани ёки курс бўйича педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришни кўзда тутди. Яъни, бунда инглиз тилини биладиган, мутахассислиги бошқа чет тилларидан бири бўлган ўқитувчи касбий қайта тайёрловдан ўтиб, инглиз тили ўқитувчиси сифатида фаолият юритиши мумкин. Қайта тайёрлаш курсларига 576 соат ўқув юкламаси ажратилган бўлса, шундан 216 соати мутахассислик дarsларига тегишлидир. Бундан ташқари, институтимиздаги профессор-ўқитувчиларнинг АКТни қўллай олиш маҳорати, чет тилини билиш даражасини ошириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

— Қайта тайёрлаш курсларида ўқиш истагида бўлган мутахассислар қабул бўйича кўплаб саволлар билан мунозабат этишяпти, — дея

курс курс ҳақида батафсил маълумот келтириш ўринли. У ишдан ажралган ҳолда 16 ҳафта, яъни 4 ой олиб борилишини айтиб ўтиш даркор. Ўқув юкламанинг энг юқори ҳажми ҳафтага 36 соат этиб белгиланган. Изчил ва тизимли назорат — дастурдаги билимни эгаллашнинг кафолати. Қайта тайёрлаш курсида ҳам эгалланган билим ва малака бир неча бор "элак"дан ўтказилади. Айтилик, бунда жорий назорат тингловчиларнинг амалий машғулотлардаги иштироки, уй вазифаларини бажарганликларини инобатга олиниб, шунингдек, қисқа муддатли мустақил ишларни ююштириш ёки тест орқали амалга оширилади. Оралик ва якуний назорат эса, асосан, махсус вазифаларни бажариш ёки тест топшириқлари орқали олинади. Оралик назорат ҳар бир бўлим бўйича бир марта, якуний назорат эса ҳар бир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугунги кунда юртимизда хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган кўплаб таълим даргоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Олмазор академик лицейи ана шундай ўқув муассасаларидан биридир. Хорижий филология ва аниқ фанлар йўналишлари бўйича 944 нафар ўқувчи таҳсил олаётган ушбу лицейда шарқ тиллари, ижтимоий фанлар, аниқ фанлар, хорижий тиллар ҳамда тил ва адабиёт кафедралари фаолият юритмоқда. Бу ерда ўқувчилар япон, хитой, араб, инглиз, форс, ҳинд тилларини ўрганади.

ТИЛ БИЛГАНГА НИМА ЕТСИН

— Мамлакатимизда чет тилларни ўргатиш ва ўрганиш борасида кенг шарт-шароитлар яратилган, — дейди лицей директори Бахтиёр Эшонжонов. — Билим даргоҳимиз Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ислом университети каби нуфузли таълим масканлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— Лицейда ўқитувчилар малакасини ошириш масаласига доимий эътибор қаратишмоқда. Мисол учун, хитой тили ўқитувчилари Хитой Халқ Республикасининг Пекин тиллар ва маданият институтида ташкил этилган курсда таҳсил олди. Япон тили ўқитувчиси Жасур Соипов эса Токио университетидида малака ошириш

курсидида ўқимокда. Академик лицей ўқувчилари ўз билимини мунтазам ошириб бориши учун Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари ўқув жараёнига кенг жалб қилинган.

Хорижий тилларни ўрганиш бугунги куннинг муҳим талабидир. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ёшларимизнинг ҳар томонлама етуқ ва баркамол инсонлар, ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишишига хизмат қилмоқда.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Yangiliklarda yurt nafasi



◆ Андижон машинасозлик институтида миллий маънавиятимиз ривожда Захириддин Мухаммад Бобур ижодининг ўрни ва аҳамияти мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаси, шоир ва олим Захириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишланди.

Тадбирда адабиётшунос олим ва мутахассисларнинг Бобурнинг лингвистик, иқтисодий қарашлари мавзуларидаги маърузалари тингланди. Бобур халқаро жамғармаси томонидан улуг шоир ҳамда унинг авлодлари ижодий меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, кўхна ва халқ кадрларини мизни асраб-авайлаш, ёшларни ана шу қадрият ва аъёнлар руҳида тарбиялаш борасида амалга ошириладиган ишлар қайд этилди.

Анжуманда талабалар томонидан Бобур ижодидан намуналар ўқилди, унинг ғазалларига басталangan қўшиқлар ижро этилди.

◆ Самарқандда "Мамлакатимиз тараққиётининг хозирги босқичида сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳудудий муаммоларни ҳал қилишдаги роли" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбирда парламент юқори палатаси аъзолари, вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашлари депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари қатнашди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда ҳудудий муаммоларни доимий комиссия мажлиси ёки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиш, доимий комиссиялар ишини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

◆ Ўзбекистон Бадий академияси Камолiddин Беҳзод мемориал-боғ музейида Алишер Навоий ҳамда Захириддин Мухаммад Бобур таваллудларига бағишлаб "Башариёт эъзози" деб номланган бадий кўргазма ташкил этилди.

Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобур асарларида илгари сурилган гоёлар ёш авлод қалби ва онгида меҳр-мурувват, эзгулик, инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, саховат ва баррикенглик туйғуларини қарор топтиришга хизмат қилмоқда. Бобокалонларимиз ҳаёти, фаолияти, асарларидаги маъно-мазмунни акс эттириш мусаввирлар ижодида ҳам устувор ўрин эгаллайди.

Кўргазмада хатотлар, миниатюрча рассомлар, Камолiddин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг Навоий ва Бобур асарларига ишлаган ижод намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

◆ Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ахборот-ресурс марказида "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман бўлимлари ходимларининг малакасини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг муҳофафатлари тўғрисида"ги қонуни мазмун-моҳияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимлари томонидан ҳудудда хусусий тадбиркорликни ва оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳоли томоқларидан самарали фойдаланиш, бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари муҳокама этилди. Бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

◆ Жарқўрғон туманида шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган ўттиз ўринли ушбу янги бинода жарроҳлик, реанимация ва қон таҳлили бўлимлари мавжуд.

Жорий йилда туман тиббиёт бирлашмасининг икки қаватли клиник-биохимик лабораторияси, рентген, стерилизация бўлимлари учун янги бино барпо этиш мўлжалланмоқда.

Ўтган йили вилоятдаги ўндан ортиқ тиббиёт муассасалари янги биноларга ўтказилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Хайрли ҳамкорлик

Ташкент халқаро аэропортидан 12 нафар бемор бола Германия клиникаларида даволаниш учун жўнаб кетди. Улар 6 ойдан 3 йил муддатгача даволаниб қайтди.

2002 йилда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти билан биргаликда уч томонлама ҳамкорлик битими имзоланган эди. «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти 35дан ортиқ давлат билан ўзаро ҳамкорлик қилиб, 12 ёшгача бўлган бемор

ва ногирон болаларни даволаш ва реабилитация қилиш ишлари билан шугулланади.

2002-2012 йиллар давомида 218 нафар ўзбекистонлик бемор бола терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ташхиси билан Германиянинг нуфузли клиникаларида даволанишди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вакилларининг айтишича, бу каби хайрия ишлари «Обод турмуш йили» давомида ҳам ўзлуksиз давом эттирилади.

Жўрабек ЖАНГИРОВ,
"Ma'rifat" мухбири

"Тўлин ой қиссаси"

Алишер Навоий номидаги санъат саройида мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари учун "Тўлин ой қиссаси" бадий фильмининг намойиши бўлиб ўтди.

Оила — муқаддас ришталар боғланадиган гўша. Бу азиз қўрғонни нопок мақсад ва манфаатлар эвазига, унинг моҳиятини англамай, тushунмай туриб қуриб бўлмайди. Шу маънода бугунги кунда кизларни ҳали оила ҳақида тўлиқ тushунчага эга бўлмагандан эрта турмушга бериш, норасмий никоҳ ва унинг сал-

бий оқибатлари, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ долзарб масалаларга бағишлаб яратилган мазкур фильм бизга кўпгина ҳаётий ҳақиқатларни аён қилади.

Фильм намойиши олдидан бўлиб ўтган мунозарада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, республика "Маҳалла" хайрия жамоат фон-

ди, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази вакиллари ёшларда оила тўғрисидаги тushunchаларни шакллантиришда шу каби фильмларни кўпроқ тақдим этиш зарурлигини таъкидлади. Фильм муаллифлари Дилмурод Кўшоқов, Файбулло Мадалиев, режиссёр Нурилла Нарзуллаев уни ёшлар руҳига мос тарзда ишлашга ҳаракат қилган.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Буюк боболаримизга эҳтиром

Буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур томонидан яратилган асар ва достонларни ўқиб эканмиз, улардан ёшларни инсонпарварликка, яхшиликка, эзгу ишларга ундовчи байтларни хоҳлаганча топиш мумкин.

Ташкент молия институти қошидаги Юнусов буюк академик лицейида ҳам "Буюк боболарнинг даҳосига таъзим" мавзусида тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирда иштирок эт-

ган адабиётшунос олимлар ва санъаткорлар бу икки буюк сиймо ижодидagi нозик қирралар ҳақида фикр юритдилар.

Шундан сўнг ўқувчилар томонидан шеър, ғазал, рубоийлар ҳамда саҳна кўринишлари ижро этилди.

Буюк мутафаккирлар таваллудига бағишлаб ўтказилган мазкур абадий кеча лицей ўқувчиларида катта таассурот қолдирди.

Файрат ЭРҒАШЕВ,
академик лицей директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари

Мумтоз адабиётимизнинг забардаст намояндаси Захириддин Мухаммад Бобурнинг бебаҳо мероси билан ўқувчиларни янада яқинроқ таништириш, билимларини мустаҳкамлаш мақсадида пойтахтимиздаги 181-мактабда байрам тадбири ўтказилди.

9-синф ўқувчиларининг Ватан соғинчи, она диёрни кўмсаш руҳидаги рубоий ва ғазалларни ифодали ўқиши, «Бобурнома» асари асосида саҳна кўриниши намойиш этиши тадбир бадий дастурини янада бойитди. Бадий кечадан сўнг методистлар томонидан «Бобур — буюк шахс» мавзусидаги очиқ дарс кузатилиб таҳлил этилди.

Диловра ЖАЛИЛОВА,
181-мактаб ўқитувачиси

Олмазор туманидаги 119-мактабда шеърят мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллиги ва Захириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 530 йиллиги кеча ташкил этилди. Ушбу тадбирда Навоий, Бобур ҳаёти ва ижоди хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, ўқувчилар ижросидаги саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият улашди. Аиникса, «Алишер ва Гули» монолоғи, ғазаллар билан куйланган жонли қўшиқлар барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Сарвар ПўЛАТОВ,
119-мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари



Мақтабимизда мутафаккир шоир Алишер Навоий ижоди ва фаолиятига бағишланган тадбир «Ораста кизлар» тўғраги аъзолари томонидан «Сабаъи сайёр» достонидagi «Етти гўзал» саҳнасининг ижро этилиши билан бошланди.

Ўқувчи-қизлар томонидан ёд айтилган шохбайтлар барчани бирдек сەҳрлаб қўйди. Ёшларни Навоий асарларини ўрганишга чорлади. Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар томонидан айтилган маълумотлар ўқувчилар қизиқишини янада оширди.

Бадий кеча ўқувчилар томонидан тайёрланган шоир ижодида оид расмлар, шеър ва рубоийлардан иборат кўргазма намойиши билан ўз ниҳоясига етди.

Гулнора ЙўЛЧИЕВА,
Сергели туманидаги 6-мактаб ўқитувачиси

...Осмондан паға-паға қор ёғар, ташқари қаҳратон, биз эса танча атрофида фаромуш ўтирибмиз. Онам дамба-дам укамнинг пешонасига қўлини босади:

— Шамоллаш касаллиги Бахтиёржонни хўб яхши кўради-да, яна терлаб туриб ховлига чиққан ёки совуқ сув ичиб кўйган кўринади, — дейди ух тортти. — Эртага яна боғчага боролмайди...

— Байрамда Айқолпон бўлишим керак эди, — дейди укам қовоқлари ослиб.

Уша тобда хаёлимдан нега кўп шамоллар экан-а, деган ўй кечарди. Байрам Айқолпонсиз ўтса-да, кўз очиб юмгунча укам полвондек йигит бўлди. Орадан йиллар ўтиб, фарзандларим бетоб бўлганида уларга парвона бўлиб, онам каби тунларни бедор ўтказиб боладим. Тонг отгач, касалликка даво излаб, шифокорга муурожаат этардим...

— Қиш мавсумида болалар орасида юқумли касалликларнинг авж олиши ота-оналарни жиддий ташвишга солади, — дейди Тошкент тиббиёт академияси ички касалликлар кафедраси катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари доктори Дилфуза Ермухаммедова. — Бу ҳолат кўпроқ иммунитетни суст болалар орасида учрагани боис, уларда тумов, грипп каби касалликларнинг тез-тез қайталаниши кузатилади. Асосан, куз ва қиш ойларида эпидемия кўринишида кўпаювчи ўткир юқумли касаллик вируслари бошқа вируслардан совуққа чидамлилиги билан ажралиб туради.

Тана ҳароратининг кўтарилиши, бурун битиши, йўтал, бош оғриғи, ҳолсизлик ва юқори нафас йўллариининг ўткир ялғиланиши билан кечувчи бу касаллик бемордан соғлом одамга ҳаво томчилари орқали юқади. Болалар орасида эса уларнинг рўмолча, сочик, ўйинчоқларидан ҳам юқини кузатилади. Нотўғри қўлланган антибиотиклар бола иммунитетининг пайсишига ва касалликка тез чалинишига сабаб бўлади. Айрим ҳолларда ота-оналар фарзандида кечаётган грипп касаллигини юқори нафас йўллари шамоллаши билан адаштиришади. Натижада нотўғри қўлланган антибиотиклар организмга умуман таъсир қилмай кўяди. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун жойларда гриппга қарши эмлаш ишлари олиб борилади. Эйтиборли жиҳати шундаки, грипп вирусининг генотиби, яъни тури ўзгариб туради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳар йили гриппга қарши вакциналарнинг янги турлари ишлаб чиқарилади. Афсуски, ушбу вакциналар бир йил мўддат давомида амал қилиб, касалликнинг етмиш фоизини енга олади. Болалар орасида бу каби вирусли касалликларнинг олдини олиш учун, энг аввало, уларнинг кундалик интесом қиладиган таомларига эйтибор қаратиш даркор. Бунинг учун овқатланиш рацционига микроэлементларга бой маҳсулотлар киритиш, шунингдек, уларни жисмоний машқлар билан мунтазам чиниктириб бориш тавсия қилинади.

Бир куни қўшни аёлларнинг гаги қўлогига чалинди. Фарзандининг тенгдошларига

нисбатан нимжонлиги, боз устига тез-тез шамоллаши сабаб боғчага ҳам бора олмаётгани она учун муаммо бўлаётган эди. Боғча опалари ҳар қанча эйтибор қаратишса ҳам, киш мавсумида болаларнинг шамоллаши бир-бирига юқиб, бетоб болалар сони кўпайиб кетаётганидан куюниб гапирарди. Шу баҳона бўлди-ю, мактабга таълим муассасаларида болалар шамоллашининг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар билан кизидик. Бронхит, юқори нафас йўллари ва шамоллаш касалликларининг олдини олишда мактабга арзигулик ишларни амалга ошираётган МТМлар фаолияти билан танишдик. Жиззах шаҳридаги 8-“Нихол” номли мактабга таълим муассасасида бу борада йўлга қўйилган ўзига хос

тажриба эйтиборимизни тортди. Бугун 320 нафар болалар масканда соғлом ва бақувват улгаймоқда. 15 нафар тарбиячининг аксарияти олий маълумотли бўлиб, улар 12 та гуруҳда фаолият юритмоқда. Масканда ташкил этилган фитобар болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни шамоллашдан ҳимоялашда, айниқса, катта ёрдам беролган шарбатлар ҳамда наъматак, лимон ўти, райхон дамламлари ўғил-қизларни грипп ва тумов бўлишдан асраб, уларнинг иммунитетини оширишга хизмат қилмоқда. Бу ҳақда муассаса раҳбари Дилюром Обидова қуйидаги фикрларни билдирди:

— Муассасанинг 1,5 гектар ер майдонида 300га яқин мезоли дарахт бор. Томорқамиз

да эса помидор, булғор қалампир, қизил лаваги ва кўкатлар бисёр. Буларнинг бари, энг аввало, болажонларимиз учун етиштирилади. Ёз фаслида ўрик ва олма мевалари куритилиб, қишда улардан шарбат тайёрланади. Бу шарбатлар бола иммунитетни пайсилашга хизмат қилмоқда. Шамоллаш ва гриппнинг олдини олишда ва даволашда лимон, малина, қоракат (смородина), шолғом, пиёз, редиска, турп, саримсоқ каби маҳсулотлар самарали натижа бермоқда.

Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал, дейди доно халқимиз. Жиззах шаҳридаги 8-МТМда болаларни шамоллашдан ҳимоя қилишда табиий маҳсулотлардан унумли фойдаланилса, Шайхонтоҳур тумани

даги 567-МТМда асосий эйтибор ўғил-қизларни чиниктириш ва соғломлаштиришга, яъни жисмоний машқлар ҳамда ҳаракатли ўйинларга қаратилади. Бу ҳақда муассасада фаолият юритаётган “Йил тарбиячиси-2012” кўриктанлови голиби Нарғиза Тошмухаммедова шундай дейди:

— Бола иммунитетини оширишда уни чиниктириш, шу билан бирга турли жисмоний машқларнинг ҳам аҳамияти катта. Ушбу жисмоний машқлар йилнинг тўрт фаслида мунтазам олиб борилса, боланинг иммун тизими мустаҳкамланиб, саломатлиги ижобий томонга ўзгариб бораверади. Муассасамизда болалар саломатлигини мустаҳкамлашда чиниктириш ва соғломлаштириш машқларидан кенг фойдаланилади. “Ким чаққон?”, “Биттаси ортиқча”, “Мушук ва сичқон”, “Оқ теракми, кўк терак” каби ҳаракатли ўйинларни ўйнаш жараёнида бола организмда қон айланиш тизими яхшиланиб боради. Бундай ҳаракатли ўйинлар мунтазам ўтказилгани боис, гуруҳимиз тарбияланувчилари “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз” широри остида ўтказиладиган туман миқёсидаги мусобақада ҳам голибликни қўлдан бермай келмоқда. Шунингдек, “Отам, онам ва мен” мусобақасида ота-оналар ҳам фаол иштирок этиб, фарзандларига ўрнак бўлишмоқда.

Мирзо Улуғбек туманидаги 312-МТМ ҳамшираси Сурайё Мирсағатованинг фикрига кўра, бола саломатлигини асрашда, энг аввало, умумий гигиенага эйтибор қаратилиши лозим.

— Ҳар тонг болажонларни қабул қилиб олиш чоғида, асосий эйтибор уларнинг саломатлигига қаратилади. Эрта-лабки назорат вақтида, энг аввало, ўғил-қизларнинг тана ҳарорати ўлчанади. Шу билан бирга уларнинг томоғи қизармаганлиги ва терисида тошма йўқлиги аниқланади. Болаларда юқумли касалликлар аломатлари йўқлиги текширилгач, улар гуруҳларга киритилади. Шунингдек, муассасамизда қиш мавсумида хона ҳарорати +18—20 даража бўлиши доимий назорат қилиб борилади. Кун давомида гуруҳларнинг санитар ҳолати текширилади. Бир кунда икки марта хона шамоллатилади. Куз, қиш ва баҳор ойларида ҳар бир хонада исирик тутатилиб, вирус ва инфекциялар йўқотилади. Болалар шамоллашининг олдини олиш мақсадида тарбиячилар томонидан ота-оналарга ҳам бир қанча тавсиялар берилди. Ёш оналарга болани совуқ кунда ҳаддан зиёд иссиқ кийинтирмасликни махлахат берамиз. Қишининг аёли кунларида бола шамоллаб қолмаслиги учун фарзандига қалин кийимлар кийдириш, унинг тез терлашига олиб келиниши тўшунтирамиз.

Хулоса қилиб айтганда, болалар орасида юқумли касалликларнинг кўпайишига бир қанча омиллар сабаб бўлади. Айни кунда касалликнинг олдини олишда ота-оналар билан бир қаторда мактабга таълим муассасалари ходимларининг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда. МТМларнинг бу борада олиб бораётган ишлари ибратга лойиқдир.

Гүлзод ОРИФЖОНОВА,
“Ma'rifat” мухбири

БОЛА НЕГА ШАМОЛЛАЙДИ?

ёхуд мактабга таълим муассасаларида олиб бориладиган соғломлаштириш ишларини қандай ташкил этиш зарурлиги хусусида



Самарқанд шаҳридаги 2-боғча-мактабда 340 ўғил-қиз замонавий таълим-тарбия андозалари асосида камолга етмоқда.

Мазкур боғча-мактабдаги озода, кенг ва ёруғ машғулот хоналари илғор педагогик технологиялар билан жиҳозланган. Мактаб ёшига етган тарбияланувчилар шу ернинг ўзида бошланғич таълимга ихтисослашган синфхоналарда сабоқ олади. Спорт, фан, мусиқа ва рақс, миллий хунармандчилик тўғараклари келажак вориелари билан гавжум. Бу ерда ўғил-қизлар дарс ва машғулотлардан буш вақтини мазмунли ўтказмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор

ри мазкур таълим-тарбия масканидаги инглиз тили тўғарига фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Жумладан, тўғаракка болалар тўрт ёшдан жалб қилинаётир. Машғулотларни Вазира Қаҳҳорова, Вахтия Абдулина каби малакали мутахассислар самарали педагогик усулларда олиб бораётир. Ўғил-қизлар инглиз тилига оид ilk кўникмаларни қизиқарли ўйинлар, савол-жавоблар, қувноқ шеър ва ашуалар, кўргазмалли воситалар ёрдамида ўзлаштирмоқда.

Суратда: Вазира Қаҳҳорова машғулотда.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш, умумтаълим муассасаларида 2012-2013 ўқув йилини якунлаш, ўқувчиларни якуний давлат аттестациясидан ўтказиш ва синфдан-синфга кўчириш бўйича босқичли назорат имтиҳонларини самарали ўтказиш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 28-январдаги «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 2012-2013 ўқув йилини якунлаш, ўқувчиларни якуний давлат аттестациясидан ўтказиш ва синфдан-синфга кўчириш бўйича

босқичли назорат имтиҳонларини ташкил этиш тўғрисида»ги 28-сонли буйруғи қабул қилинди.

Унга кўра, барча турдаги умумий ўрта таълим муассасалари, махсус мактаб ва мактаб-интернатларда ўқув машғулотлари 25 майда тугалланади. «Чақириқчача ёшларни тайёрлаш» фанидан ўғил болалар учун ўқув-дала машғулотларини ўқув йили якунланиши олдидан 3 кун (18 соат) давомида шу ўқув фанига ажратилган дарс соатлари ҳисобидан мактаб ҳудудида ўтказиш, таълим муассасаларини битирувчи IX ва XI (вақтинча II-синфлари бор мактабларда) синф ўқувчиларининг билими, малака ва кўникмасини амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида оғзаки, ёзма ёки тест усулида якуний давлат аттестациясидан, IV–VIII синф

ўқувчиларини эса босқичли назорат имтиҳонларидан ўтказиш белгилаб қўйилди.

Якуний давлат аттестацияси имтиҳонлари IX синфларда жорий йил 27 майдан 15 июнгача, XI синфларда 28 майдан 25 июнгача, босқичли назорат имтиҳонлари эса 27 майдан 3 июнгача қадар ўтказилади. Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган мактабларнинг V–VIII синфларида ихтисослашган ўқув фанидан қўшимча имтиҳонлар мuddати 3 кунга узайтирилиши мумкин.

Умумий ўрта таълим муассасалари, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси ва синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан ўтказилади:

ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ ВА БОСҚИЧЛИ НАЗОРАТ ИМТИҲОНЛАРИ

уларда ўқувчиларнинг эгаллаган билимлари юзага чиқади

IX синф битирувчилари учун якуний давлат аттестацияси:	
Она тили ва адабиёт	ёзма (ижодий баён) – 27 май
Математика	ёзма (теорема исботи билан) – 30 май
Физика	оғзаки (лаборатория ишларини бажариш билан)
Тарих	оғзаки ва харита билан ишлаш
Кимё	ёзма
Ўзбек тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	оғзаки, нотаниш матнни ўқиб гапириб бериш, ёдлаган шеърини айтиш
Рус тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	оғзаки, нотаниш матнни ўқиб гапириб бериш, ёдлаган шеърини айтиш
Жисмоний тарбия	назарий ва амалий – 6–11 май
XI синф битирувчилари учун якуний давлат аттестацияси:	
Она тили ва адабиёт	ёзма (иншо) – 31 май
Математика	ёзма (теорема исботи билан) – 28 май
Физика	ёзма
Тарих	оғзаки ва харита билан ишлаш
Давлат ва ҳуқуқ асослари	оғзаки
Кимё	ёзма
Чет тили	оғзаки
Ўзбек тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	оғзаки, нотаниш матнни ўқиб гапириб бериш, ёдлаган шеърини айтиш
Рус тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)	оғзаки, нотаниш матнни ўқиб гапириб бериш, ёдлаган шеърини айтиш
Жисмоний тарбия	назарий ва амалий – 13–18 май

IV–VIII синфлар учун босқичли назорат имтиҳонлари:		
		IV синф
1	Математика	ёзма
2	Она тили	ёзма (диктант)
	Жисмоний тарбия	назарий ва амалий
		V синф
1	Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки, нотаниш матнни ўқиб гапириб бериш, ёдлаган шеърини айтиш
2	Математика	ёзма
	Адабиёт	оғзаки
		VI синф
1	Она тили	ёзма (диктант)
2	Тарих	оғзаки
	Ботаника	оғзаки
		VII синф
1	Чет тили	оғзаки
2	Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки
	Физика	ёзма
	Кимё	оғзаки ва масала ечиш
		VIII синф
1	Информатика	ёзма (замонавий компьютер синфи бор мактабларда амалий иш)
2	Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси	оғзаки ва харита билан ишлаш
	Давлат ва ҳуқуқ асослари	оғзаки
	Биология	оғзаки

IX–XI синф ўқувчиларини жисмоний тарбия фанидан меъёрий талаблар асосида синовдан ўтказишда болалар соғлиғига алоҳида эътибор бериш, малакали тиббий ходимлар назорат қилиб туришини таъминлаш қатъий белгиланган.

Айтиши жоизки, IV–VIII синфлар учун босқичли назорат имтиҳонлари иккита ўқув фанидан ўтказилади. Яъни, жадвалда кўрсатилган биринчи фандан имтиҳон мажбурий, 2-банддаги ўқув фанларидан бирини ўқувчилар синовлар ўтказилишидан бир ой олдин танлайдилар. Мактаб педагогика кенгаши танланган фандан босқичли назорат имтиҳонини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади.

Шунингдек, ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар ёки синфларда жадвалнинг 2-бандида кўрсатилмаган фан чуқурлаштириб ўтилади бўлса, ушбу фандан муассаса педагогик кенгашининг қарори асосида қўшимча имтиҳон киритилиши мумкин. Имтиҳон материаллари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика таълим марказининг тавсиялари асосида ўқув муассасаси ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқи-

либ, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими билан келишилган ҳолда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Кўзи оғиз, заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатларида синфдан-синфга кўчириш босқичли назорат имтиҳонлари ҳамда X, XII синф битирувчилари учун якуний аттестация умумтаълим мактабларига қўйилган талаблар асосида ўтказилади (жисмоний тарбия фани бундан мустасно).

Қар, заиф эшитувчи, полиомилит (таянч ҳаракат азолари шикастланган), нутқда нуқсон бор болалар махсус мактаб-интернатларининг битирувчи (IX, XI) синфларида якуний давлат аттестацияси фақат она тили ва адабиёт (баён), математика (ёзма) фанларидан, ақли заиф болаларнинг махсус мактаб ва мактаб-интернатларида фақат меҳнат таълими бўйича Республика таълим маркази томонидан берилган тавсия ва мезонлар асосида ўтказилади.


Таълим ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қozoқ, қирғиз тилларида олиб борилмайдиган барча умумий ўрта таълим мактаблари учун

якуний давлат аттестацияси материаллари Республика таълим маркази томонидан тайёрлаб, 2013 йилнинг 1 апрелига қадар Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари тасарруфидаги таълим муассасаларига етказилади.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқармалари зиммасида педагоглар, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 4 мартдаги буйруғи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом” мазмун-моҳиятини атрофлича ўрганишни ташкил этиш, синовлар ўз мuddатида ўтказилишини назоратга олиш вазифаси юклатилди.

Газетамазининг 11-саҳифасида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим олувчиларни синфдан-синфга кўчириш муваққат тартиби ҳамда якуний давлат аттестацияси ва босқичли назорат имтиҳонлари ўтказувчи имтиҳон комиссияси аъзоларининг ҳуқуқ-вазифалари билан батафсил танишасиз.

Ёзув — ахборот етказишнинг энг қулай ва ишонч-ли воситаси сифатида коммуникация жараёнида бе-қиёс ўрин тутади. Асрлар давомида у ўз кадр-қим-матини йўқотмай, аста-секинлик билан мукамал-лашди. Яъни, тошбитик, ҳайвон терисидаги ёзувлар, қоғоз ва эндиликда, электрон кўринишга эга бўлди. Инсоният ривожланишида муҳим аҳамият касб этган ёзувлар ва ёзув қуроллари бугунги техника тараққи-ёти даврига келиб, ўз мазмуни ва кўринишларини ўзгартиргани айрим мутахассисларни ташвишга сол-моқда. Уларнинг фикрига кўра, эндиликда қоғоз ва қаламга эҳтиёж қолмай, биргина компьютернинг ўзи ҳам қоғоз, ҳам қалам вазифасини бажараяпти. Хўш, ҳақиқатдан ҳам аънанавий ёзувлар ва ёзув қуролла-ри даври яқунланиб, улар ўрнини электрон восита-лар эгаллай оладими?



Bilasizmi?

Скандинавия, Австралия ва Ҳиндистонда ўз филиаллари-ни очди. Бу кейинчалик кан-целярия саноатида улкан му-ваффақиятларни кўлга кири-тишда бош омили бўлади.

Ўтган давр мобайнида аъ-нанавий ёзув қуроллари инсо-нията ривожланишнинг бу-гунги даражасига етиб кели-шида катта кўмак берди. Илк ёзув қуролларининг шакл-ниши узоқ даврни ўз ичига олган бўлса, замонавий ёзув воситалари бир неча ўн йил ичида ер юзини бутунлай қа-мраб олди. Бугун эса та-раққиётнинг жадаллашуви оқибатида ёзиш ишларининг техника воситасида бажари-лаётгани канцелярия маҳсу-лотлари ишлаб чиқарувчи фирма ва корхоналарни жи-ддий ҳавотирга солаёт-тир. Ҳатто йирик-йирик канцелярия компанияла-ри раҳбарлари ҳам қути-лажак ҳавфнинг олдини олиш мақсадида бирла-шиш зарурлигини таъ-кидлашяпти. Бундай тақлифларнинг янграши бежиз эмас.



ЁЗУВ ҚУРОЛЛАРИ

техника тараққиёти билан рақобатлаша оладими?

Маълумки, инсоният ри-вожланишининг илк босқич-ларида кишилар гарчи ёзув ҳақида тасаввурга эга бўлма-салар ҳам, бирор воқеа-ходис-гани тасвирлашга ҳаракат қилишган. Улар маълум воқе-лишни ифодалаш учун содда кўринишдаги ёзув қуроллари — тош, кўмир бўлақлари, та-биий бўёқлардан фойдала-нишган. Бугунги кунда дунё-нинг кўплаб минтақаларидаги қоя ва гор деворларида сақ-ланиб қолган тасвирлар фик-римиз исботидир.

Олимлар ёзув тарихи эра-миздан аввалги 5-, 6-минг-йилликларга бориб тақали-шини эътироф этади. Ана шундай ёзувлардан бири 1961 йили Дунай дарёси қи-роғидаги Тэртэрия (Руминия) қишлоғи яқинида аниқланган. Сопол бўлақларида шоҳли ҳайвонлар, дарахтлар ва пик-тограмма кўринишидаги бо-шқа номаълум белгилар тас-вирланган эди. Пиктографик ёзувлар қадимги Месопата-мия, Миср, Хитой ва Жанубий Америка давлатларида кенг қўлланилган. Энг қадимги ёзма ҳужжатлар эса эра-миз-дан 3300 йил илгари шумер-ларнинг қадимги Урук шаҳри харобаларидан топилган.

Илк ёзув қуроллари инсо-ният тарихида ёзувлар билан бир вақтда қадимги Вавилонда шумерлар то-монидан иxtиро қилинган маълум. Улар ёзишда юпка тахтадан фойдалан-ган ва ушбу ёзув усу-ли михкат деб атал-ган. Тахтага бирор ус-куна — тош ёки қурол ёрдамида тирнаб ёзишда харфлар ўрнида 600га яқин белгилар ишлатилган.

Бундан тахминан 5 минг йил илгари қадимги Мисрда ёзиш қуролларининг бир-мун-ча такомиллашган янги тури қўлланила бошланди. Папи-рус ва Нил дарёси бўйлари-да ўсадиغان ўсимликлардан махсус мой олинди, ёзув воситалари тайёрланган. Улар-дан илм-фаннинг фикҳ, хан-даса, география ва адабиёт соҳаларида кенг қўлланилган. Қалин, ялпоқ угли ёзиш асбо-бидан фойдаланган ҳолда ёзилган қайдлар, қадимги Миср шоирларининг шеърий нома-лари Қоҳира археология

музейида айни вақтгача сақ-ланиб келинаётир.

Илк харфли ёзувлар эса қадимги Фаластин ҳудудида милоддан 1100 йил аввал шаклланиб, кенг ривожлан-ган. Қулай ёзув қуроли тез орада қўшни давлатларга ҳам тарқалади. Фарбий симет ал-фавити деб аталган ёзув ав-лодлари бугунги кунда Евро-пада кенг тарқалган. Таъкид-лаш лозимки, ҳозир кенг қўлланилувчи фин, лотин ва кирилл алифбоси айнан ўша ёзув асосида юзга келган.

Умуман, ўша даврда йирик мамлакатлардан бири Рим империясида ҳам ёзишма-ларда кўпгина ёзув қуролла-ридан фойдаланилганини та-рихий маълумотлар изоҳлай-ди. Қадимги римликлар асал ширасидан тайёрланган "сиёҳ" ёзув металдан ясал-ган стил асбоби орқали, тах-тасифат таблет ускунасига хат битишган. Болалар тар-бияси билан жиддий шугул-ланган қадимги мактабларда ҳар бир ўқувчи ана шундай ёзув қуролларига эга бўлган. Худди шу даврда Хитойда бронзадан ясалган стилуслар анча оммалашган. Бу эса кей-инчалик башарият тараққиё-тида муҳим аҳамиятга эга бўлган қоғознинг кашф эти-лишига замин яратди.

денгиз йўлида жойлашганли-ги сабабли аввал қўшни дав-латлар, кейинчалик бутун Ев-ропа бўйлаб ушбу усулда хат ёзиш кенг ёйилади. Бу давр-да Хитойда қоғоз кашф этил-ди ва урушларда асир тушган қоғоз усталари, савдогарлик орқали бутун дунёга ёғочдан қоғоз олиш жараёни тарқал-ди.

Ёзув қуролларидан бири бўлмиш фоз патидан тайёр-ланган перодан фойдаланиш энг узоқ давр мобайнида — XVIII асргача давом этди. Чун-ки ёзишда перо кичик харф-ларни ҳам ишлатиш имкони-ни яратибгина қолмай, қўл ҳаракатларининг эркинлигини ҳам таъминлади.

XVIII аср охириларида бутун Европада фозлар шу даража-да кўп овланардики, борган сари улар қамайиб, ўз нав-батида перо нархи ошиб бо-раварган. Бунинг олдини олиш мақсадида ҳукумат бир қатор қонунлар ишлаб чиқди. Англияда фоз овлаш қатъян тақиқланди. Мазкур қарор Россия, Германия ва Испания сингари мамлакатларда ҳам қўллаб-қувватланди. Ўша вақт-ларда Англияда йилга 27 миллион фоз овланарди. Бу эса мамлакатнинг парранда-чилик соҳасига катта зарар етказгани учун сиёҳ ва перо-ни бошқа қушлардан олиш зарурати юзга келди.

Товус, оққуш син-гари парранда пат-лари кейинги давр-ларда фоз пероси-нинг ўрнини босол-маган бўлса-да, маълум бир муддат ёзувчи ва шоирлар, олимлар томонидан асарлар ёзишда иш-латилди. Албатта, бу ёзиш қуроли ҳам йиллар ўтгани сайин эскириб, эътибор-дан четда қола бошлади ва инсоният янги кашфиётлар устида изланиш олиб борди.

XIII аср бошларидан мусав-вирлар сурат чизишда инчи-ка кумуш бўлагидан фойдала-на бошлаган. Қаламини эсла-тувчи бу восита ўта моҳир-лики талаб этарди. Чунки ку-муш изларни ўчиришининг им-кони йўқ эди. XVI асрга келиб Италиянинг Камберленд ху-дуда графитдан фойдаланиш йўлга қўйилиб, улар орқали ҳужжатлар битиш анчагина

қулайлашган. Замонавий кўринишдаги қаламлар эса 1719 йили Германияда ишлаб чиқа-рила бошланди.

XIX аср бошларида сиёҳга боти-риб ёзиладиган ручкалар ҳаётга кириб келди. Пери-лар эса куш па-тидан эмас, ме-талл аралашмасидан (асосан иридий, родий ва осмий қотишмасидан) тайёрлана бошланди. Улар эриши қийин кечадиған металл бўлгани бос перо ясовчининг кўп вақтини олар, шунга кўра нархи ҳам банд эди. Одам-лар ўзлари учун янада арзон ва қулай бўлган янги ёзув қуролини яратиш кераклиги-ни тушуна бошлайди. Кўп ўтмай олдингиларидан фар-қли равишда анча такомил-лашган ёзув қуролларини яратишининг ҳам йўли топил-ди.

Тадқиқотчилар биринчи за-монавий ручка иxtирочиси сифатида сугурта компанияси агенти Эдвис Ватерманни эътироф этишади. У ручка ичига сиёҳ жойлаштириш, паста бўйлаб оқишию ҳаво айланшини ўйлаб топди. Мазкур кашфиёт бироқ вақт ўтиб уни бутун дунёга танит-ди.

Бундан 130 йил олдин их-тиро қилинган сиёҳли ручка-лар, бугунги кунда дунё бўйлаб "Waterman" номи ости-да ишлаб чиқарилмоқда. Бун-га рақобатдош ёзув қуроли сифатида паркер ручкалари эътироф этилади. Албатта, ушбу компания Эдвис Ватер-манни ортда қолдириш мақса-дида ручка яратишда кўпгина янгиликларга қўл урди: кичик ва катта ёшдаги фойдаланув-чилар учун уни бармоқларга мослаштирди, сиёҳли стер-женни янада кичрайтирди. Шунинг учун ҳам паркер мах-сулотлари ўзининг нафис, қулай ва бежиримлиги билан алоҳида ажралиб туради. 1889 йида "Parker pen company" компаниясини очиб иш бош-лаган Сэффорд Паркер сав-до-сотикни ривожлантириш мақсадида АҚШ, Европа,



Европанинг Севилля шаҳри-га яқин яшовчи испан ва араблар томонидан перга-мент иxtиро қилинди. Бу их-тиро китоб кўчириш, хат ёзиш, императорларнинг ҳар бир юришлари ҳақидаги кун-даликларни юрийтиб бориш жараёнида асқотди. Фоз ёғидан сиёҳ олиш ўрганилиб, ёзиш жараёнида қийинчилик туғдирмайдиган усул кенг татбиқ этилди. Маълумки, Пиреней ярм ороли савдо-саноат тез ривожланадиган

"Ma'rifat" мухбири Олим ЖУМАОЕВ тайёрлади.

ТАШВИШ ИММУН ТИЗИМИНИ СУСАЙТИРАДИ

Огайо университети олимлари оилавий муносабатлар билан иммунитет ўртасида боғлиқлик мавжудлигини таъкидлашмоқда. Улар ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида никоҳ қўралига 12 йилдан кам бўлмаган 85 жуфт оилани тажрибага тақлиф этишди. Уларнинг ўртача ёши 39ни ташкил этди. Тажриба жараёнида иштирокчилардан ўз жуфтига нисбатан ташвиш, ишонchsizlik ва гумон ҳиссини оширувчи махсус психологик сўровномалар олинди. Шу билан бирга уларнинг сўлак ва қон намуналари ҳам таҳлил қилиб борилди.



Маълум бўлишича, ташвиш ва гумон сўлак таркибида стресс гормони ҳисобланган кортизол миқдорини ошириб, Т-лимфоцитлар миқдорини камайтиради экан. Мазкур жараён кимда кучлироқ рўй берган бўлса, кортизол миқдори шунчалик ошиб, Т-хужайралар эса

22 фоизгача камайган.

«Psychological Science» журналида ёзилишича, кортизол гормони иммунитетни камайтириб, Т-хужайраларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Т-лимфоцитлар миқдорининг камайиши ҳам иммунитет тизимига салбий таъсир кўрсатади.

Бошқача айтганда, яширин, ҳатто кишининг ўзи ҳам сезмаган ҳолда рўй берувчи ишонchsizlik, ташвиш ва vahimalar insonni kasalliklar oldida kuchsiz va ojiz qilib qo'yishi mumkin.

ЭНГ ЁШ ҚОРА ТҮЙНУК

Космоснинг сирли ва мўъжизавий жумбоқларидан бири ҳисобланган қора туйнуқлар табиати нафақат астрономлар, балки оддий кишиларни ҳам қизиқтириши табиий. Шу бос, мутахассислар турли галактикалардаги мавжуд туйнуқларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, барчани бирдек қизиқтириб келаётган саволларга жавоб топишга уринишмоқда. Яқинда бир гуруҳ астрофизиклар дунёнинг турли минтақаларида жойлашган учта обсерваториядан Сомон йўли галактикасида жойлашган яна бир ғаройиб қора туйнуқни кузатишди.



Астрономларнинг «Astrophysical Journal» нашрида берилган маълумотларига кўра, ушбу қора туйнуқ Ердан 26 минг ёруелик йили масофада жойлашган. Унинг диаметри 60 ёруелик йилини ташкил этиб, бошқа шу каби туйнуқлардан фарқли равишда, бочкасимон кўринишга эга. Олимларнинг сўзларига кўра, эски юлдуз портлаши натижасида пайдо бўлган W49B деб ном олган массанинг бундай шаклга келишига офат рўй берган вақтда эски юлдуз қолдиқлари унинг кўтблари томон катта тезликда, экватор томонга эса секин тарқалган.

Астрофизиклар W49B ҳудудида олатда портлаш натижасида ҳосил бўладиган нейтрон юлдузни топа олишмади. Бу эса, мутахассислар таъбирича, W49B




марказида янги қора туйнуқ борлигини аниқлади. Унинг ёшини астрономик ҳисобда «минг ёш» деб белгиланди ва у галактикамиздаги энг ёш қора туйнуқ деб белгиланди.

ОҚСИЛ ВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШАДИ

Калифорния университети тадқиқотчилари бир қатор вирусларга қарши кучли қурол бўлиши кутила-

ётган оқсил устида изланиш олиб бормоқда. Уларнинг таъкидлашича, мазкур оқсил орқали ортирилган иммунитет вируси билан хасталанган беморларни ҳам даволаш мумкин экан. Бу ҳақдаги мақола «Immunity» журналида чоп этилган.

Аслида ушбу оқсил олимлар учун янгилик эмас. Тажрибаларнинг бирида холестерол-25-гидроксиллаш деб номланган оқсилнинг ҳужайра соҳасида ортирилган иммунитет танқислиги вируси ривожланишига қаршилик кўрсатиши тадқиқотчилар диққатини торди. Шундан сўнг ОИТВ тарқалишини тўхтатиш мақсадида изланишлар вирус юқтирилган сичқонлар устида давом эттирилди. Оқсил юборилган сичқонларда бир ҳафта ичида кутилган натижа — вирус тарқалиши ва иммунитет ҳужайраларининг камайиши кузатилди.



Бироқ иккинчи томондан бундай оқсил қабул қилган сичқонларда бошқа вирусларга таъсирчанлик қайд этилди. Жумладан, сичқонларнинг герпес вируслари-га чалингани кузатилди.

Айни дамда оқсилларни клиник шароитда ўрганиш жараёни кечмоқда. Олимлар олдида ҳали ечимини кузатиш қатор муаммолар, жумладан, холестерол-25-гидроксиллашнинг ҳужайра таркибида етарли миқдорини таъминлаш масаласи сўроқлигича қолмоқда.

ОЧЛИКНИНГ ЯНА БИР МЎЪЖИЗАСИ

Инсон организм ва бактериялар ўртасида доимий кураш жараёни кечади: биз қанчалик кучли антибиотиклар қабул қилсак, уларнинг чидамлилиги шунчалик тегиб бораверади. Шу сабабдан ҳам олимлар олдида бирор касаллик билан курашиш учун нафақат янги дори воситасини кашф қилиш, балки бактерияларнинг уларга қаршиликни синдириш масаласи ҳам кўриб кўрилади.

Айни шу масалада жиддий изланиш олиб борган Райс университети тадқиқотчилари (АҚШ) бактерияларнинг дори воситаларига чидамлилигини сувайтириш мақсадида янги усулни тақлиф этишмоқда.



«Environmental Science and Technology» журналида ёзилишича, лаборатория натижасида антибиотиклар қабул қилинмаганда ва кучли стресс жараёнида бактерияларнинг энергия тешаш мақсадида ортиқча плазмада ДНКларидан воз кечиши аниқланди. Изланишлар давом эттирилиб, бактериялар кислород ва озик моддалардан маҳрум қилинди. Натижада уларнинг антибиотикларга қарши курашувчанлиги йўқолди. Бу эса яқин орада бактерияларга қарши курашишда янги ютуқларга эришиш мумкинлигидан далolat беради.

Санжар РУСТАМОВ тайёрлади



Перу архитекторлари томонидан қадимги Эл Парансо ҳудудидан 5 минг йил муқаддам деворларига қизил рангли тасвирлар билан ишлов бериб барпо этилган ибодатхона қолдиқлари топилди.

Бразилиянинг Сантус шаҳрида бўлиб ўтаётган карнавал чоғида мусиқачилар ҳаракатланаётган платформанинг электр тармоқлари билан тўқнашуви натижасида ёнғин чиқиб, тўрт киши ҳалок бўлган, яна беш нафари кучли куйиш билан шифохонага ётқизилган.

АҚШда қирилиб кетиш ҳавафи остида турган қора каркидоннинг 59 минг долларга баҳоланган иккита шохи савдоси билан шуғулланаётган уч нафар фуқаро мамлакат балиқ ресурслари ва ёввойи ҳайвонлар хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди, дейилади «Associated Press» хабарида.

Британияда уч нафар фуқаро, гарчи айбдорлигини инкор этаётган бўлса-да, Европа савдо тармоқларига таркибида от гўшти мавжуд бўлган ярим тайёр гўшт маҳсулотларини тарқатганликда алоқадор деб топилди, қамоққа олинди.

Жанубий Бразилия Жосмонида катта тўдаларни ташкил этиб, йirik озуқаларни тутишга мослашган «Anelosimus Eximius» турдаги ўргимчакларнинг йirik кўчини кузатилади.

МАШХУР МУТАХАССИС МЕҲМОНИМИЗ

Италиялик таниқли мутахассис, сузиш бўйича кўплаб машхур спортчилар устози Марио Франчи Андижонда бўлиб, вилоятда спорт ва jismoniy tarbiyani rivojlan-tirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar, yariyb berilgan zamonaviy sharoitlar, mavjud imkoniyatlar-dan unumli foydalanaotgan sportchilarimizning xalqaro maydonlarda kulgira kiritaotgan muvaffaqiyatlari bilan taniydi.

Марио Франчи ўз вақтида кашф этган спортчиларнинг аксарияти Олимпиада, жаҳон ва китба чемпиони деган шарафга сазовор бўлишган. Унинг бой тажрибаси эса юртимизда сузишга меҳр қўйган ўғил-қизларимиз, қолаверса, ёш мураббийлар учун ҳам ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.

Франчи шартнома асосида маълум вақт мобайнида вилоятда ишлаб, спортчиларга ўз тажрибасини ўргатиб боради.

Орифжон СИДДИКОВ

Андижон вилояти

Умумий ўрта таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни танлов асосида танлаб олиш бўйича танловда ғолиб бўлган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар

Р Ҳ Ҳ А Т И

№	Фан номи	Синфи	Муаллифларнинг Ф.И.О.
1.	“Ўзбек тили” (таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун).	6	Ҳадича Мухитдинова, Яшнаббек Авлакулов, Дилдор Нуриддинова
2.	“Ўзбек тили” (таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун).	7	Ҳадича Мухитдинова, Яшнаббек Авлакулов, Дилдор Нуриддинова

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамoаси институтнинг собиқ ходими Иброҳим Асадовга умр йўлдоши

Дилором АСАДОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Ором» умумий ўрта таълим берувчи боғча-мактаб маркази жамoаси илғор тажрибали устоз, жонкуяр ва фидойи мураббий Дилором АСАДОВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчи ўринларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари» кафедраси

(тарих, ҳуқуқ, иқтисод, кутубхона-АРМ), маънавият асослари)

1. Профессор, фан доктори — 1 ўрин
2. Доцент, фан номзоди — 1 ўрин
3. Катта ўқитувчи — 3 ўрин

«Тил ва адабиёт таълими» кафедраси

(рус тили, ўзбек тили, немис тили, инглиз тили)

1. Профессор, фан доктори — 1 ўрин
2. Доцент, фан номзоди — 2 ўрин
3. Катта ўқитувчи, фан номзоди — 2 ўрин
4. Катта ўқитувчи — 2 ўрин

«Педагогика, психология ва менежмент» кафедраси

(педагогика, психология, таълим менежменти)

1. Профессор, фан доктори — 1 ўрин
2. Доцент, фан номзоди — 3 ўрин
3. Катта ўқитувчи, фан номзоди — 2 ўрин
4. Катта ўқитувчи — 1 ўрин

«Мактабгача ва бошланғич таълим» кафедраси

(мактабгача таълим, бошланғич таълим)

1. Кафедра мудирини — 1 ўрин
2. Доцент, фан номзоди — 1 ўрин

3. Катта ўқитувчи, фан номзоди — 1 ўрин
4. Катта ўқитувчи — 3 ўрин

«Табиий ва аниқ фанлар» кафедраси (математика, информатика, география, биология, экология)

1. Профессор, фан доктори — 1 ўрин
2. Доцент, фан номзоди — 3 ўрин
3. Катта ўқитувчи, фан номзоди — 2 ўрин

«Жисмоний маданият ва амалий фанлар» кафедраси

(жисмоний тарбия, меҳнат таълими, расм, чизмачилик, мусиқа)

1. Кафедра мудирини, фан номзоди — 1 ўрин
2. Профессор, фан доктори — 1 ўрин

3. Доцент, фан номзоди — 1 ўрин
4. Катта ўқитувчи, фан номзоди — 2 ўрин
5. Катта ўқитувчи — 3 ўрин

Танловга қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ректор номига ариза.
- Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақаси.
- Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
- Илмий ишлар рўйхати.
- Паспорт нусхаси.
- 2 дونا расм.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Манзил:

Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф хос Ҳожиб кўчаси, 64-уй.
Кадрлар бўлими,
тел.: 255-43-75



Festival

ЁШ ПЕДАГОГЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Яққасарой туманидаги 118-умумтаълим мактабида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази томонидан «Ёш педагоглар мактаби»нинг тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчилари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

— Тадбирдан кўзланган мақсад фан методистлари ва педагогларнинг касбий маҳоратларини янада ошириш, таълим мазмунини юқори даражага кўтариш, «Устоз-шоғирд» мактабининг фаолиятини янада такомиллаштириш, ёш ўқитувчиларга методик ёрдам бериш, ўқувчиларни фанларга қизиқтириш, шунингдек, иктидорли ва изланувчан ўқувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг ижодий фаолликларини кучайтиришдан иборат, — дейди Методика маркази методисти Элёр Мусахонов.

Тадбир якунида «Энг яхши дарс ишланмаси», «Энг яхши тарих ва ҳуқуқ фанлари хонаси», «Энг яхши видеоролик», «Энг фаол методист» номинациялари ғолиблари тақдирланди.

Назokat ХОЛМЕТОВА
Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.



Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сон Қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси куйидаги объектнинг қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Қора-арик» насос станциясини реконструкция қилиш. Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 2503.782 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 2086.485 млн.сўм, қурилиш муддати — 14 ой.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сон Қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси. Манзили: **Термиз шаҳри, Малик Қаҳҳор кўчаси, 10-уй. Тел. 222-70-83, 222-75-29, (факс) 222-70-83.**

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — **Давлат бюджети** маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари

учун куйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича оферталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Тел.: (8-376) 222-44-73, (факс) 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 120 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) очилиши, танлов савдолари тўғрисидаги эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, куйидаги манзилда ўтказилади: **Термиз шаҳри А.Темур кўчаси, 69-уй.**

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Президентимиз томонидан мамлакатимиз аҳолиси орасида спорт ва жисмоний тарбияни янада кенг оммалаштириш, хусусан, болалар футбол мактаблари фаолиятининг тубдан ўзгартирилиб, янгича усул, замонавий меъёр ва талаблар асосида ишлаши таъминлангани, шубҳасиз, футболчиларимизга чемпионлик унвонларини тақдим этмоқда!

Бугун кўпбал спорт турлари қатори футбол ҳам кун сайин ривожланиб бораётган бир пайтда ЧЕМПИОН деган номга сазовор бўлиш ортида чинакам машаққатлар яширингани, мураббийлардан тортиб, ҳар бир футболчининг не не қийинчиликларни енгиб ўтгани ҳаммага ҳам аён эмас, албатта.

Ана шундай меҳнатлар эвазига ўн олти ёшидаёқ «миллионлар ўйини» бўйича Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган иқтидорли ёшларимиздан бири — ўсмирлар терма жамоаси дарвозабони Сарвар Каримовдир.

У 1996 йил 25 декабрда Тошкент вилояти Чиноз туманида туғилган. 10 ёшидан бошлаб футбол билан мунтазам шуғулланади. Ҳозир тумандаги 40-мактабнинг 9-синфида ўқиш билан бирга, «Локомотив» профессионал клубида ўринбосарлар жамоаси етакчиларидан бири ҳисобланади. Сарварга илк бор футбол сирларини чинозлик мураббий Зокир Тошматов ўргатди.

Дарвоқе, отаси Илҳом ака ва онаси Маффуза опа тадбиркор бўлгани ҳамда кўпинча иш билан банд бўлганликлари учун фарзандлар тарбияси билан ҳаётий тажрибаси теран Ҳайдар бува шуғулланарди.

— Набиранинг футболга бўлган қизиқишини жуда эрта илганган бўлсам-да, уни дарҳол футбол мактабига олиб боришга шошилмадим, — дейди Ҳайдар ота. — Болалик — ўйинқароқлик даври. Аксарият болалар футбол ўйнашни ёқтиради ахир. Сарваржондаги қизиқиш ҳам ўқинчими ёки чинми, буни текшириш учун фурсат керак эди. Ниҳоят, унинг иштиёқи шунчаки қизиқишдан устун экани ўз тасдиғини топгач, «Чиноз» болалар футбол мактабига етаклаб бордим. Ушанда у 10 ёшда эди.

С.Каримов уч йил ўтиб, «Локомотив» клубига чорланди. Табиийки, олий лигада тўп сурадиган жамоанинг келажагига айланиш учун тинимсиз меҳнат ва изланиш талаб этиларди. У буни яхши ҳис этса-да, тўп тепиш ортида қанча уйқусиз тунлар, иссиқ-совуқ кунлар

борлигини у қадар ўйламаган эди. Чиноздан «Локомотив»нинг бош базасига қатнаш учун энг қулайи бу — электропоезд. Аниқки, бундай транспорт воситаси катнови доим бир хил вақтга, катый тарзда белгиланган. Шу тариқа Сарвар тўрт фаслда ҳам эрталаб бир хил вақтда туришга ва ношушта қилишга одатланди.

— Тошкентга энди борган пайтимида, клуб мураббийлари уйимга қайтариб юбормасликлари учун ўзимни аямай, кучимни тежамай, машғулотларга зўр берардим, натижада роса

ди. У бир нарсдан ҳадикдан эди: «Учрашув якунлангунга қадар алмаштирилсам — тамом!». Йўқ, унга имкон берилди. Сарвар эса ўз дарвозасини уч марта муқаррар голдан асраб қолди. Натижада терма жамоамиз японларни 3:1 ҳисобида енгди. Шундан кейин Д.Нуралиев уни ҳар бир машғулотга қақирадиган бўлди.

— Термага қақирилганимда учинчи дарвозабон эдим, — дейди Сарвар. — Асосий рақобатчиларим: Шохрух Эшбўтаев («Пахтакор») ва Аббос Ўлмасбеков

таркибга киритди. Кейин нималар содир бўлганини бугун барча ҳамюртларимиз яхши билишади...

— Финалда японларга дуч келдик, — дейди С.Каримов. — Улар билан аввал ҳам 4 марта ўртоқлик учрашувини ўтказиб, бирор марта ютказмаганмиз. Бу эса руҳий устунлик бағишларди. Шунга қарамай, кунчиқар юрт вакиллари ўшанда спортча хийла ишлашти бор маҳоратини ишга солмаган бўлиши ҳам мумкин, деган ҳадик бизни янада хушёр торттирди. Пенальтилар сериясида за-

— Дарвоза — бу етти метр, дегани. Менинг бўйим эса 178 сантиметр. Демак, икки қўлимни икки томонимга ёзган тақдирда ҳам дарвозанинг 5 метрдан ортиги очиқ қолаверади. Пенальти белгиланган. Мен рақиб то тўпни тепгунича кутаман. Устозларим шомшай, охиригача кут, деб ўқтиради. Чунки менинг ёшимда камдан-кам бола дарвозанинг бурчагини аниқ нишонга олиши мумкин, аксарияти эса дарвозабон томон кучли зарба беришгагина қодир бўлади.

Ёш дарвозабон Сарвар Каримов маҳоратли ҳамкасби, «Локомотив» клуби асосий дарвозабони Павел Бугалодан кўп нарса ўрганди. Уни инсон сифатида ҳам, спортчи сифатида ҳам ўрнал олса арзийдиган футболчи, деб биларди. Шунингдек, Игнатий Нестеровга ҳам меҳри банд. Жаҳон футболди намоёндалари орасида Касильяс, Буффон ва Чехнинг маҳорати уни ром этади.

...Болалар одатда дарвозага туришни ёқтирмайди. Чунки гол бутун жамоа хатоси туфайли ўтказилса ҳам, калтак унинг бошида синади ва ҳамма уни айблайди. Аксинча, барча ҳужумчи бўлсам, гол урсам, дейди. Сарвар ҳам «Чиноз» футбол мактабига энди қатнаб юрганида ҳужумчи эди. Қизик томони, ўйин пайтида хатто дарвозабонларнинг дарвозада тургиси келмас, ҳамма галма-гал «қалъа»ни кўриқларди.

2008 йили 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Чиноз тумани биринчилиги ўтказилди. Финалда кучлар тенг келиб, пенальтилар сериясида ғолиб аниқланди ва майдонга тушди. Омади келиб, иккита зарбани қайтарди, жамоаси эса зафар қучди. Шу-шу кўлқопни «ечмади».

— Осиё чемпиони бўлгач, ўзим илк бор футбол ўйнай бошлаган «Чиноз»га бордим, — дейди жилмайиб Сарвар. — Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уч-тўрт йил олдин ҳеч ким хохламаган дарвозабонлик энди талаш экан. Собиқ мураббийларимнинг айтишича, ота-оналар фарзандининг айнан дарвозабон бўлишини истаётган экан. Бунда менинг оз бўлса-да ҳиссам борлигидан хурсандман.

Бугун Сарвар Каримов жорий йили Бирлашган Араб Амирликларида ўтайдиган жаҳон чемпионатида жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Терма жамоа машғулоти ва йиғинларида катта ғайрат ва ишжоват билан қатнашмоқда.

Зоҳиджон ХОЛОВ

ҲАЛОЛЛИККА ЁШЛИКДАН ЎРГАТИЛАДИ

чарчаб қолардим, — дейди Сарвар. — Кечқурун бекатда электропоезд келишини кутаётганда, бекатдаги ўриндиққа чўзилиб, ухлагим келарди. Уйимизга ярим кечаси кириб бориш оdatимга айлангач, уйдагилар футбол билан шуғулланишимга қарши бўлишди. Хатто отам Тошкентга боришимни ҳам тақиқлади. Аммо футбол умримнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурганди. Шу боис Тошкентга ҳеч кимга билдирмай қочиб кетган пайтларим бўлди. Бу ҳол бирикки марта қайтарилгач, ота-онам ҳам мақсадим жиддий эканига ишонч ҳосил қилди ва менга янада яхшироқ шароит яратиб берди.

У «Локомотив» ўринбосарлари жамоасида бир қатор ўртоқлик учрашувларида қатнашди. Қолаверса, Сарварнинг Тошкентга келиб қолиши сабабчиларидан бири Суннатилла Абдурасулов (ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи ёрдамчиси) тавсияси билан Дилшод Нуралиев унинг «Локомотив» сафидаги хатти-ҳаракатини синчиклаб кузата бошлади. Сарвар тажрибали мутахассис эътиборини қозонгач, терма жамоа йиғинларига чақирилди.

Илк жиддий синов 2011 йили Япония ўсмирларига қарши Тошкентда ўтказилган ўртоқлик учрашувига тўғри келди. С.Каримов кунчиқар юрт вакилларига қарши кечган учинчи матчда асосий таркибда майдонга тушди. Бу жуда катта аҳамиятга эга кўрик эканини, стадионда жамоа билан бирга ўзининг ҳам тақдири ҳал бўлишини билар-



(«Бунёдор») эди. Уларнинг чаққонлиги, тўпни сезиш қобилиятига ҳаваси келарди. Мухими, тушкунликка тушмадим, аксинча, кўпроқ ишлашга, тажриба ва маҳорат бобида тенгдошларимга етиб олишга интилдим. Бунда Шавкат Абдухўжаевнинг ҳам хизматлари катта бўлди. Устозимдан пенальтини қайтарishi сирларини, бирга-бир чиқиб келаётган рақибдан устун келиб, тўпни ўйин қоидасини бузмаган ҳолда илб қўйиш асорини ўргандим. Қисқа фурсат ичида, асосий рақобатчиларимга тенглашиб олдим.

Осиё чемпионатининг дастлабки икки учрашувини Сарвар захира ўринидида қозғатди. Чунки дарвоза Шохрух Эшбўтаевга ишониб топширилди. Аммо биринчи учрашувдаги хатолар, тушкунлик ва ҳаяжон иккинчи учрашувда ҳам такрорлангач, мураббий тактик ўзгартиришга қўл урди ва учинчи ўйинда «учинчи дарвозабон»ни асосий

фар қучиб, Осиё чемпиони бўлгач, аввало, бувам ва ота-онамнинг хушнуд чеҳраси тimsolida бутун юртдошларим кўз олдимдан ўтди. Мен уларнинг ишончини оқлаганимдан қувондим. Кейин жамоадошларим юғуриб келишди, бир-биримизни табриқладик. Бундай ҳолатни сахналштириб бўлмайди. Телевизорда йирик мусобақада зафар қучиб, бир-бирини кутлаётган футболчиларни кўриб, ҳавас қилардим. Қани, мен ҳам уларнинг орасида бўлиб қолсам, дердим. Буни қарангки, Эронда мен шундай бахтиёрлик онларининг иштирокчиси бўлдим.

Пенальтиларни муваффақиятли қайтаргани сирини Сарвар қуйидагича изоҳлайди:

«SHARQ» NAHRIYET-MATBA'A AKTIVDORLIK kompaniyasi TAVDIM ETADI



**ХУРМАТЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР,
ЎҚУВЧИЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори, шунингдек, 2011 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиши баёнида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, «SHARQ» нахрийет-матбаа акциядорлик компанияси ва унинг таркибидаги китобсавдо тармоқлари билан ҳамкорликда 4 номдаги дарсликлар нашрга тайёрлаиб, эркин савдога чиқарилди.

Айни кунларда «Mehnat ta'limi» (2-, 3-, 5-синфлар), «Tasviriy san'at» (5-синф) дарсликлари «SHARQ» компанияси тасарруфидаги «SHARQ ZIYOKORI» китоблар марказининг марказий ҳамда вилоятлардаги филиалларида сотилмоқда.

Дарсликлар танлов асосида яратилган бўлиб, мавжуд ўқув дастурлари ҳамда амалдаги давлат таълим стандартларига мос равишда chop этилган. Ушбу дарсликлар мамлакатимизда ёш авлодни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ўргатувчи муҳим манба бўла олади.

Avtobekat Toshkent universitagi (TUSU)
O'zbekiston shoh ko'chasi
Mikhey Navoiy nomidagi davlat akademik katta kitobxona (I qavat, 11-uy)
Buxoro ko'chasi, 26-uy
SHARQ ZIYOKORI
SHARQ NIMAK

Мурожаат учун телефонлар:
(+99 895) 177-2014;
(+99 871) 233-3590;
(+99 871) 233-5872
web sayi: www.sharq.uz
www.nafisbezak.uz



УШБУ КИТОБЛАРНИ «SHARQ ZIYOKORI» КИТОБЛАР МАРКАЗИНИНГ МАРКАЗИЙ ХАМДА ВИЛОЯТЛАРДАГИ ДУКОНЛАРИДАН СЎРАНГ!

Андижон шаҳри: Фитрат кўчаси, 245-савдо мажмуаси, 2-қатор, 40-дўкон.	8 374 224-3291; +998 (95) 200-8644; +998 (95) 200-4803; +998 (91) 483-1167	Марғилон шаҳри: Мустақиллик кўчаси.	8 373 233-3683; +998 (98) 576-5509
Бухоро шаҳри: Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй.	8 365 223-7596; +998 (93) 620-2333	Гулистон шаҳри: Мустақиллик кўчаси, 81-уй.	8 367 225-1299; +998 (90) 509-7252
Жиззах шаҳри: Шароф Рашидов кўчаси, 1-уй.	8 372 226-4293; +998 (90) 538-1600	Термиз шаҳри: Ат-Термизий кўчаси, 1-уй.	8 376 223-1104; +998 (93) 636-6868; +998 (90) 982-3858
Навоий шаҳри: Ўзбекистон кўчаси, 14-уй.	8 436 223-0130; +998 (95) 603-4513; +998 (90) 730-1234; +998 (90) 717-8608	Қарши шаҳри: Ўзбекистон кўчаси, Марказий университет биноси.	8 375 227-7700; 8 375 225-3279; +998 (98) 776-4101; +998 (98) 275-4101; +998 (98) 777-4101;
Наманган шаҳри: Навоий кўчаси, 36-уй.	8 369 226-4964; +998 (93) 494-6873	Тошкент шаҳри: «Урда», Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уй.	8 371 241-2590; +998 (94) 698-7979; +998 (90) 982-6941
Нукус шаҳри: Аялр Дўстназарова кўчаси, 85-а уй.	8 361 222-3239; +998 (93) 614-3932; +998 (93) 489-2522	«Бодомзор», Юнусобод тумани, «Боғишамол кўчаси, 8-уй.	8 371 234-6085; +998 (91) 163-6018; +998 (95) 177-2013
Самарқанд шаҳри: Университет хибони, 15-уй.	8 366 239-1468; +998 (90) 224-2954	«Фарҳод», Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 58-уй.	+998 (93) 902-1175
ОРАКМ, Мустақиллик кўчаси, 48-уй.	8 366 233-1763; 8 366 390-1763	«Беруний», Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 12-уй.	+998 (93) 902-1175
Хива шаҳри: «Ичан қалъа» Давлат кўриқхонаси.	8 362 375-4308; 8 362 375-6928; +998 (91) 431-5787; +998 (91) 917-6960	«Авнасозлар», Ҳамза тумани, Исмоилов кўчаси, 22-уй.	8 371 296-0826; +998 (90) 958-8239
Фарғона шаҳри: К. Доддох кўчаси, 2-уй.	8 373 275-8765; +998 (95) 400-4468; +998 (91) 666-0077	Тошкент Давлат педагогика университети «Миллий кутубхона», Юнусобод тумани, Навоий кўчаси, 1-уй.	+998 (93) 394-9888

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: **Abdusamat RAHIMOV**
Tahrir hay'ati: Madamin **ARIPJANOV**, Jumanazar **BEK-NAZAROV**, Baxtiyor **DONIYOROV**, Farrux **JABBOROV** (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor **YOQUBOV** (mas'ul kotib), Mahmuda **MURZAYEVA**, Husan **NISHONOV** (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan **USMONOV** (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey **CHUKARIN** (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla **HAKIMOV**.

Gazeta **O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.**
ISSN 2010-6416
9 772010 641009
INDEKS: 149, 150. G-218. Tiraj 66475. Hajmi 4 bosma tafoq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»-dan materiallarni ko'chirib bosish ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririya'ga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.
Reklama materiallari uchun ta'hiriyat javobgar emas.
MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Web-site: www.marifat.uz
TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda
Dizaynerlar: Malohat **TOSHOVA**, Liilya **BINASHEVA**.
Navhatchi muharrir: Qurbonboy **MATQURBONOV**.
Navhatchi: Jo'rabek **JANGIROV**.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy
Uza akuni — 21.00
Topshirildi — 21.05